

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИДА ЕВРОПРОТОКОЛНИ ҚЎЛЛАШ

Усманова Махира Нуралиевна (ТДТрУ)

Turgunboyev Turobjon Umarali ogli (ТДТрУ)

Мадаминов Икромжон Қобилжон ўгли (ТДТрУ)

Аннотация

Мақолада йўл-транспорт ҳодисалари натижасида у билан боғлиқ муаммоларни ва уларни ҳал қилишни соддалаштирилган усули тўғрисида кенгрок тўхталиб ўтилади.

Аннотация

В статье более подробно будут рассмотрены проблемы, связанные с дорожно-транспортными происшествиями, и упрощенный способ их решения.

Abstract

In the article, the problems related to traffic accidents and the simplified method of solving them will be discussed in more detail.

Таянч иборалар: *йўл-транспорт ҳодисалари, транспорт воситаси, сугурта, ҳайдовчилар, Европротокол, моддий зарар.*

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш масалаларига ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда: автомобилларда ташувчи корхоналар ҳайдовчилари, пиёдалар, жисмоний ҳайдовчилар, таълим муассасаларида профилактик тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини доимий назорат қилиш, автомобиль йўлларининг мавжуд ҳолатини доимий назорат қилиш ва оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шунга қарамадан автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиб турибди.

Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш бугунги кундаги муҳим муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Автомобилнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарлари миқдори кундан-кунга ошиб бормоқда, энг асосийси эса, йўлларда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида кўплаб одамларнинг жабр кўришлари ва ҳаётдан кўз юмишларидир.

Бугун йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий талабларидан бири — ҳайдовчиларга қулайлик яратиш, жараёнларнинг шаффофлигини таъминлаш, ҳайдовчилар ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ЙХХХ) ходимларининг ўзаро муносабатларида келишмовчиликка олиб келадиган сабаблар ва шароитларни минималлаштиришдир.

Шу сабабли йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ)ни расмийлаштириш тартибини соддалаштириш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда[2].

Амалдаги тартибга кўра, суғурта тўловини олиш учун ЙТХ натижасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик тўғрисидаги ЙХХХ баённомасини расмийлаштириш мажбурий ҳисобланади. Бироқ, ушбу амалиёт, ЙТХ орқали етказилган зарар миқдоридан қатъий назар фуқароларга ноқулайлик туғдирмоқда.

Гап ҳайдовчилар ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари жиддий тан жароҳатларини олмаган (яъни, жабрланган томонга фақат моддий зарар етказилган), унча аҳамиятли бўлмаган ЙТХлар ҳақида кетяпти. Мисол учун, тирналган бампер, синган орқани кўриш ён ойнаси ва бошқалар. Мана шундай ҳодисалар учун амалдаги ЙТХни расмийлаштириш тартибини қайта кўриб чиқиш зарур[1,2].

Биринчи навбатда, ДЙХХХ ходимлари чақирилади, бу эса ортикча вақтни талаб этади. Жойга етиб келган ДЙХХХ ходимлари ЙТХ схемасини тузадилар, дастлабки тушунтиришларни олиб, баённома тузадилар.

Иккинчи босқичда ЙТХнинг барча иштирокчилари алкоголь истеъмол қилганлик ёки бошқа мастлик аломатларини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказилади. Кейинчалик, автоҳалокатнинг асосий ҳолатлари кўрсатилган баённома тузилади, унга ҳайдовчилар ва гувоҳлар берган тушунтириш хатлари илова қилинади. ЙТХ иштирокчиларидан ҳайдовчилик гувоҳномалари олиб кўйилади.

Сўнгра ҳужжатлар тўплами маъмурий иш кўриб чиқиладиган туман/шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг (ЙХХБ) Суриштурув бўлимига юборилади. Агар ҳайдовчи ЙТХда айбдор эмас деб топилса, етказилган зарарни баҳолаб ва барча зарур экспертизалардан ўтгандан сўнг, ҳайдовчилик гувоҳномаси унга қайтарилади ва автомобилни таъмирлашга рухсатнома сертификати берилади. Агар низо келиб чиқса, айбдорлик даражаси суд томонидан ҳал қилинади, бу ерда иш яна бир неча ҳафтага чўзилади.

Шундай қилиб, мавжуд тизим таҳлили унинг ЙТХ иштирокчилари учун ҳам, ЙХХХ ходимлари учун ҳам мураккаб эканлигини кўрсатмоқда. Чунки ЙТХни расмийлаштиришга кўп вақт сарфланади. Шу боисдан, ЙТХнинг олдини олишга қаратилган профилактика ишларининг вақти қисқаради. Бундай ҳолда, йўл транспорт ҳодисасининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш масаласи бошқача тарзда ҳал қилиниши керак, бу ҳолат низо юзага келган тақдирда, зарар учун жавобгарлик масаласини ҳал қилишга имкон беради.

Чет эл амалиётига кўра, ушбу муаммонинг самарали ечими сифатида ЙТХ ҳақида хабар беришнинг ягона европа шакли – европротокол қўлланилиб, бу

автоҳалокат ҳолатини тавсифловчи шакллар тўпламидан иборат бўлади. Шу билан бирга, ҳайдовчилар имзолар билан ўз розилиklarини ҳам тасдиқлайдилар.

Европа мамлакатларида, европротокол орқали хабар бериш тартибини жорий этиш, ЙТХ иштирокчиларига зарарни қоплаш масаласини кераксиз материал ва ортиқча вақт ҳамда харажатларсиз ҳал қилишга имкон беради. Бу ўз навбатида, ҳайдовчиларга компенсация олиш учун суғурта ташкилотига мурожаат қилишда ЙТХ фактини мустақил равишда қайд этиш ва автоҳалокат жойини тезда тирбандликларни юзага келтирмай бартараф этиш имконини беради[3].

Европротоколдан фойдаланиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- ЙТХда фақат иккита транспорт воситаси қатнашган бўлса;
- ҳайдовчилар, йўловчилар ёки пиёдаларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилмаганда;
- ЙТХнинг “Пиёдаларни босиб кетиши” тури бўлмаслиги;
- ЙТХ иштирокчилари транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полисига эга бўлса;
- ЙТХ иштирокчилари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаса.

Европротокол тамойилларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштириш тартибини янада соддалаштириш амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришда қатор афзалликларни беради. Хусусан, ушбу механизмни жорий этиш қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади:

- ЙТХ иштирокчилари (ҳайдовчилар) содир бўлган аварияни ЙҚХХ ходимини чақирмасдан ўзаро келишган ҳолда мустақил равишда расмийлаштиради;
- ЙҚХХ ходимини кутиш, баённомани расмийлаштириш, автотранспортни жарима майдонига олиб бориш ва бошқа ҳолатлар учун вақт сарфланмайди;
- ЙТХ оқибатида юзага келадиган тирбандликлар бартараф этилади;
- ЙТХларни расмийлаштиришда ортиқча қоғозбозликка чек қўйилади;
- мажбурий суғурта пули тўланиши учун йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими томонидан амалга ошириладиган расмиятчилик ва суд қарорини кутиш талаб этилмайди.

АДАБИЁТЛАР: /REFERENCES:

1. M Usmanova, S Rajapova, Y Juraev Innovative ways to train drivers and improve their skills AIP Conference Proceedings 2432 (1), 030100 2 2022
2. М.Н. Усманова. Интеграция высшего учебного заведения и предприятия при подготовке специалистов по безопасности движения. Экономика и социум, 276-280 2 2022

3. М.Н.Усманова Haydovchilarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish. *Journal of new century innovations* 15 (3), 148-153 2022
4. М.Н.Усманова, Б.А. Рахмат. Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришда тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни, *Journal of new century innovations* 15 (3), 144-147 2022
5. М.Н.Усманова. Йўл-транспорт ҳодисалари экспертизаси эксперт-автотехникнинг ўрни, *Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali*, 654-656 2022
6. М.Н.Usmanova, В.А. Рахмат .Пути повышения безопасности дорожного движения в крупных городах, *Экономика и социум*, 991-994 2022
7. Shakirova, F. V. (2015). Razvitie ekonomiki Uzbekistana na osnove innovatsionnoi deyatel'nosti. *Problemy sovremennoi ekonomiki*, (3 (55)), 299-302.
8. Shakirova, F. V. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЯЛАРИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 86-96.
9. Шакирова, Ф. В. (2022). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ. *Scientific Impulse*, 1(2), 382-390.
10. Shakirova, F. V. (2022). ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 68-81.
11. Mardievna, S. G., & Oblokulovich, K. S. (2021). Methodology for determining the role of family business in the economy. *European Business and Management*, 7(6), 199.
12. Mardievna, S. G., & Oblokulovich, K. S. (2021). Methodology for determining the role of family business in the economy. *European Business and Management*, 7(6), 199.
13. Shadieva, G. M., & Akbarovna, K. S. (2023). PROVIDING EMPLOYMENT BY IMPROVING THE EFFICIENCY OF FAMILY BUSINESSES. *Journal of new century innovations*, 20(3), 25-31.
14. Shodiyeva, G., Tog' Ayeva, D. A., & Sultonov, B. A. (2022). KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI IQTISODIYOTDA TUTGAN O'RNINI. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 610-613.